

Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун



Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейин ўтган ҳар бир кунимиз халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир амалий намоёни, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида янги тарихимиз солномасига том маънода ёрқин саҳифа бўлиб кирмоқда.

Шеробод тумани Оила ва хотин-қизлар бўлими ташаббуси билан тумanning 3-сектор ҳудуди “Чўйинчи” маҳалласида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсон қадрини улуғлаш, юртдошларимизнинг бугунги кунидан рози бўлиб яшашларини таъминлашга хизмат қилаётганлигини таъкидлади.